



УДК: 633.15:631.559:631.416.3(575.1)

ЖУХОРИНИ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА ЕТИШТИРИШ ВА ҚИММАТЛИ-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Коптилеўов П.Ж.

*Ош давлат университети магистрантлари,
koptilewovfazilbek@gmail.com*

Наўрызбаев Х.С., Оразбаев А.С., Султанов Д.А.

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17537478>

***Аннотация.** Мақолада жухорининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, келиб чиқиши, тарқалиши, ҳосилдорлиги, систематикаси, биологияси, навлари, етиштириш технологияси — алмашлаб экишидаги урни, ерни асосий ва экиш олди ишлови, экиш муддати, усули, меъёри, техникаси, парваришлаш ва ҳосилни йиғиб олиш муддатлари ҳамда қимматли-хўжалик белгилари ўрганилган.*

***Калим сўзлар:** жухори, тупроқ, унумдорлик, азот, қандли, органик ва минерал ўғитлар.*

***Abstract.** In the article, the importance of corn in the national economy, its origin, distribution, yield, systematics, biology, varieties, cultivation technology - the place in crop rotation, the main and pre-planting treatment of the land, the planting period, method, rate, technique, maintenance and harvesting periods, as well as valuable - economic signs are studied.*

***Keywords:** corn, soil, fertility, nitrogen, sugarcane, organic and mineral fertilizers.*

Кириш. Жухори Sorghum- авлодига мансуб ўсимлик. Бу авлодга донли, қандли ва ўтсимон 50 дан ортиқ турлари киради. Ўзбекистонда жухорининг ҳар хил турлари экилади. Жухори ўсимлиги экваториал Африкадан келиб чиққан бўлиб, у Мисрда, Шарқий ва Жанубий Осиёда, Манчжурияда, Хитойда, Хиндистонда қадимдан бери экилиб келинади. Ўзбекистонда жухори сув билан кам таъминланган ва қисман лалми ерларда, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва бошқа вилоятларда экилади. Гектаридан 3-6 т. дон ва 60-70 т. кўкат олинади.

Экиладиган навлари 3 гуруҳга бўлинади — донли, қандли ва супургибоп. Шунингдек, жухорини ўтсимон турлари ҳам бор. Донли жухори ўртача 2-3 м бўлади. Кам тупланади, кам шохланади, руваги юқорига ва пастга қараб ўсади. Дон олиш учун экилади, дони озиқ-овқатда, ем сифатида қўлланилади, пояси чорвада ишлатилади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Жухорининг кўк массаси молларга берилади ёки силос бостирилади. Жухори пояси дағаллашгунча



ўрилса яхши пичан бўлади. Жухорининг 100 кг дони 119, кўк массаси 23,5, силоси 22 ва пичани 49,2 озик бирлигига тенг. Дони таркибида 15% протейн бўлиб, лизинга бой. Жухори қурғоқчиликка, шўрга чидамли экин [1].

Жухорининг илдиз системаси попуқ илдиз бўлиб тупроққа қарийб 2 метр чуқур кириб ва атрофига 60-90 см гача тарқ алади. Поясининг 2-2,5 м. Тропик мамлакатларда 6,7 м гача етади, ичи юмшоқ паренхема билан тўлган, кўпинча сершоҳ бўлади. Барглари энли, туксимон ғубор билан қопланган. Ҳар туп ўсимликда 10-25 та ва ундан кўп барг бўлади [2].

Тадқиқотлар олиб борилган майдоннинг тупроғи таркибидаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфор И.М.Мальцева ва Л.И.Гриценко услубида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчан калий П.В.Протасов услубида аниқланди.

Натижалар ва муҳокама. Изланишлар давомида олинган натижаларнинг маълумотларига кўра, фенологик кузатувларнинг таҳлилида, жухорининг туп гули рувак, руваги ҳар қайси шохчанинг учида иккитадан бошоқча жойлашганлиги, бошоқларининг ҳаммаси бир гулли, ҳосил тугадиган бошоқчасининг гули икки жинсли, ҳосилсиз бошоқчалариники эркак гул ва жухори асосан (70%) четдан чангланадиган ўсимлик эканлиги кузатилди. Ўсимликлардан танлаб олинган намуналарда жухори ўсимлигининг қимматли-хўжалик белгилари ўрганилганда, дони пўстли ва пўстсиз, юмалоқ туксимон, окжигар ранг, сариқ, кўнғир тўсда бўлиб, 1000 донасининг вазни 25-45 кг, ҳар қайси рувагида 1600 дан 3500 тагача дон бўлганлиги аниқланди.

Намуналарнинг дон сифати аниқланди, маълумот сифатида жухорининг эндосперма кўнғир ёки қизғиш бўлган дони таркибида танин группасига кирадиган ошловчи моддалар мавжуд бўлиб, ушбу моддаларнинг бўлиши уни озиклик жиҳатидан камчилиги бўлса, лекин спирт ва мальтоза ишлаб чиқариш саноатлари учун муҳим роль уйнайди. Жухори иссиқсевар ўсимлик, унинг уруғи тупроқ ҳарорати 10-12°C етганда униб чиқади. Қулай шароитда 6-7 кунда майса беради. 25-30 кундан кейин тўпланади, 55-60 кундан кейин рувакланади, 5-7 кундан кейин гуллайди. Ўсув даври навига қараб 90-145 кун, совуқга чидамсиз. Жухори ёруғсевар қисқа кун ўсимлик бўлиб, майсаси 1°C совуқда нобуд бўлади, қурғоқчиликка чидамли. Транспирация коэффиценти 200 атрофида, лекин суғориш натижасида ҳосили ортади.

Хулоса. Жухори қандай мақсадларда фойдаланиш учун экилганлигига қараб азот ва фосфор миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш мумкин. Жухори дон учун экилган бўлса, фосфор ўғити миқдорини кўпайтириб, азот



Ўғити миқдорини камайтириш, аксинча жухори кўк поя учун экилган бўлса, азот миқдорини кўпайтириш мумкин.

Жухори экиш учун ер кузда 27-30 см чуқурликда чимқирқарли ёки икки ярусли плуг ёрдамида шудгор қилинади, экишдан олдин ҳам борона ва сўнгра мола босилади. Тупроққа талабчан эмас, шўрга чидамли, механик таркиби энгил бўлган тупроқларда яхши ўсади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Атабаева Х., Умаров З., Буриев Х. ва бош.-Ўсимликшунослик- Т.Меҳнат, 2000, 157 бет.
2. Guzman C., Xiao Y., Crossa J., Gonzalez-Santoyo H., Huerta J., Singh R., Dreisigacker S. Sources of the highly expressed wheat bread making gene in CIM- MYT spring wheat germplasm and its effect on processing and bread-making quality. Euphytica, 2016, 209: – pp. 689-692 (doi: 10.1007/s10681-016-1659-5).